

Мерос: минбария масаласи



12:00 / 18.05.2020 2789

Бир куни Ҳазрати Али розияллоху анху минбарда гапириб турганларида ортидан икки қизи, ота-онаси ва хотини қолган маййитнинг хотинига меросдан қанча тегиши ҳақида савол бўлди. Ҳазрати Али дарҳол:

«Унинг саккиздан бири тўққиздан бир бўлади», дедилар.

Бу авлнинг энг машҳур масалаларидан биридир. Аслида маййитнинг боласи бўлганда хотинга саккиздан бир улуш тегиши лозим. Аммо масалада авл бўлганлиги туфайли тўққиздан бири тегди.

Масаланинг асли йигирма тўрт бўлиши керак эди. Икки қизга учдан икки – ўн олти улуш, ота-онага олтидан бир – саккиз улуш ва хотинга саккиздан бир – уч улуш тегиши лозим. Аммо мазкур улушларни қўшсак, йигирма етти бўлади. Шунинг учун масала йигирма тўртдан йигирма еттига авл

бўлади.

Ҳазрати Али ушбу масалани минбарда туриб ечганлари учун у «Минбария масаласи» деган номни олган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан